

PhD Наврузбек Шавкатов

Тошкент молия институти

ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ: АМАЛИЁТ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий фаолиятни амалга оширишнинг назарий ва иқтисодий асослари, давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатлар ва уларнинг самарадорлик таҳлили, давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш истиқболларининг назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ қилинган. Шуниндек, инвестицион лойиҳаларни самардорлик кўрсаткичлари, давлат-хусусий шериклик лойиҳасида хусусий инвесторлар билан ҳамкорлик самарадорлигини ошириш ва молиявий рискларни минималлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган ва бу бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: даромадлилик, инфратузилмага инвестициялар, давлат-хусусий шериклиги, молиявий инструментларни диверсификациялаш, лойиҳалар самарадорлиги.

PhD Navruzbek Shavkatov

Tashkent Institute of Finance

PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIP PROJECTS: PRACTICES AND PROSPECTS FOR DEVELOPMENT

Abstract. This article examines the theoretical and economic basis of financial activities in public-private partnership practice, financial relations in public-private partnership practice and their effectiveness analysis, theoretical and practical aspects of the prospects for effective organization of financial relations in public-private partnership practice. In addition, the efficiency of investment projects, the public-private partnership project pays special attention to improving the effectiveness of cooperation with private investors and minimizing financial risks, and developed scientific proposals and recommendations.

Keywords: profitability, infrastructure investment, public-private partnership, diversification of financial instruments, project effectiveness.

Кириш

Дунё мамлакатларининг иқтисодий интеграциялашув жараёнида давлат ва хусусий сектор субъектлари ўртасида молиявий муносабатлар тизими ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Дунё аҳолисининг кўпайиб бориши мамлакатларнинг инфратузилмага бўлган эҳтиёжининг ортиши ва натижада давлатларнинг хусусий сектор билан ҳамкорлиги доираси кенгайиши кузатилмоқда. «Инфратузилмага инвестициялар кўлами бўйича 2019 йилда Хитойда 142 та лойиҳа учун 26.3 млрд. АҚШ доллари, Бразилияда 33 та лойиҳага 18.3 млрд. АҚШ доллари, Ҳиндистонда 34 та лойиҳа учун 4.6 млрд. АҚШ доллари, Вьетнамда 12 та лойиҳага 4.5 млрд. АҚШ доллари, Россияда 13 та лойиҳага 4.1 млрд. АҚШ доллари йўналтирилган, ушбу давлатларда инфратузилмага инвестицияларда хусусий сектор улуши 63 фоизни ташкил этган»[1]. Мазкур жиҳатлар давлат-хусусий шериклик (Public-Private

Partnership) муносабатларини ривожлантириш зарурлигини глобал миқёсда намоён этади.

Адабиётлар шарҳи

Жаҳонда мамлакатлар инфратузилмасини хусусий сектор маблағлари орқали молиялаштириш, давлат-хусусий шериклик амалиётида хусусий инвесторлар билан молиявий муносабатларни такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Давлат-хусусий шерикликда қўлланилиши мумкин бўлган молиявий инструментларни диверсификациялаш, хусусий инвесторларнинг инфратузилмани молиялаштиришини харажатларни бир қисмини қоплаш орқали рағбатлантириш ва субсидиялар бериш воситасида манфаатдорлигини ошириш, мулкӣ ва қарз муносабатларида шерикларнинг позицияларини белгилаш, давлат кафолатларини кенгайтириш, молиявий рискларни адолатли тақсимлаш, давлат-хусусий шериклик муносабатларининг иқтисодий тараққиётига таъсир даражаси етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги каби масалалар ўз илмий ечимини топмасдан қолмоқда.

Сўнги ўттиз йилликда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматлари давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат харидларининг стандарт моделларига муқобил сифатида ДХШни қўлладилар. Бу, айниқса, соғлиқни сақлаш, транспорт, энергетика ва бошқалар каби муҳим давлат хизматларини кўрсатиш учун давлат сектори ресурсларига эга бўлмаган ҳукуматлар учун энг тўғри ечим эканлиги исботланди. 1990-йилларнинг ўрталарида Британияда инфратузилма инвестициялари тақчиллигини бартараф этиш учун ДХШ жорий этилган. Бу ривожланган мамлакатларда муҳим сиёсатга асосланган харид ислоҳотининг бошланиши эди [2]. Ўшандан бери ДХШ ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатлар томонидан кенг миқёсда фойдаланилмоқда. ДХШ кенг миқёсда иқтисодийнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган: [3]

- Иқтисодий, атроф-муҳит ва ижтимоий эҳтиёжларни мувозанатлаш
- Иш билан таъминлаш орқали камбағалликни камайтириш;
- Иқтисодий ўсиш ва ижтимоий тенгликни талаб қилувчи инсонларнинг асосий эҳтиёжларини қондириш;
- Лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсирни минималлаштириш;
- Мавжуд ресурслардан фойдаланишни оптималлаштириш;

Ўзбекистонда таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика, транспорт, ахборот коммуникация технологиялари каби соҳаларни ривожлантириш долзарб бўлиб турган айти вақтда давлат-хусусий шериклик муносабатлари, ижтимоий муҳим инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда хусусий сектор маблағларидан фойдаланиш борасидаги ислоҳотларга қарамасдан, соҳага хусусий сектор маблағларини йўналтириш даражаси пастлигича қолмоқда. Айти шундай шароитда жорий йилда «давлат-хусусий шериклик асосида 40 дан ортиқ йирик ва ўрта лойиҳаларни

амалга ошириш»[4]да давлат ва бизнеснинг ҳамкорлигини замонавий шаклларда ташкил этиш, лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини аниқлаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни ўзаро манфаатли шароитларда тезкорлик билан ҳал этиш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик тизимини самарали бошқариш ва мувофиқлаштиришни талаб этмоқда. Бу эса давлат ва хусусий шериклик амалиётида молиявий муносабатларни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотларни кенг амалга ошириш заруриятини белгилайди

Таҳлил ва натижалар

«Давлат-хусусий шериклик» атамаси инфратузилма ва бошқа хизматлар доирасида давлат ва хусусий корхона ва ташкилотлар ўртасидаги бир қатор иқтисодий муносабатларни тавсифлайди.

Назарий тадқиқотлар асосида умумий ва хусусий ҳолда муаллифлик таърифи берилди: **Давлат-хусусий шериклиги** - давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш ва хизматларни тақдим этишга мўлжалланган стратегик, институционал ва иқтисодий-молиявий ҳамкорлик шакли ҳисобланади. Давлат-хусусий шериклиги – бу кооператив келишувнинг бир кўриниши бўлиб, икки ёки ундан ортиқ давлат ва хусусий сектор вакилларининг инвестиция, инфратузилма, инновация лойиҳаларида ҳамда ижтимоий-иқтисодий, илмий, шунингдек, давлат аҳамиятига молик дастурлардаги шериклик муносабатлари тушунилади.

ДХШ инфратузилма объектлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, режалаштириш, молиялаштириш, куриш ва фойдаланиш мақсадида йўлга қўйилган давлат билан хусусий сектор ўртасидаги хўжалик муносабати ва иқтисодий алоқалари бўлиб, бундай муносабатлар кўшимча молиялаштириш манбаларини жалб этиш орқали давлат ва хусусий сектор манфаатлари таъминланади.

ДХШнинг молиявий механизми - мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари ўртасидаги ўзаро шериклик асосида молиявий муносабатларни ташкил этиш шакллари ва усулларининг тўплами ҳисобланади.

ДХШнинг молиявий механизми лойиҳани амалга оширишнинг муддати ва технологик жараёнлари ҳамда босқичлари бўйича инвестициялаш даври, амалга оширилаётган лойиҳа доирасидаги чора-тадбирлар узвийлиги ва давомийлиги тизимли кўринишда, келишилган шартлар асосида молиялаштириш асослари ва миқдорлари инobatга олинган тарзда режалаштирилган лойиҳанинг асосий қисми сифатида намоён бўлади.

Турли хил сценарийлар асосида ноаниқ келгуси узоқ муддатдаги ахборотлар шароитида муваффақиятли давлат-хусусий шериклик лойиҳаси учун томонларни қаноатлантирувчи инвестицияни қайтиш даражаси (Return on investment, ROI)ни аниқлаш муҳим ҳисобланади. Давлат-хусусий

шериклик инвестиция самарадорлиги (ROI) анъанавий, хусусий ёки умуман ҳукумат томонидан амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларга қараганда каттароқ бўлиши мумкин[5]. Инновацион лойиҳалаш ва молиялаштириш ёндашувлари иккала томонларнинг, давлат ва хусусий шерикларнинг, ўзаро келишув асосидаги фаолиятида намоён бўлади.

Казанцев ма Минделиларнинг фикрига кўра, инвестиция самарадорлиги кўрсаткичи давлат-хусусий шериклик лойиҳасидан кутилаётган лойиҳанинг фойдаси (P) ва дастлабки инвестиция харажатлари (I) нисбати кўринишида талқин қилиш мумкин[6].

$$ROI = \frac{P}{I} \quad (1)$$

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида тендер савдо шартлари томонларнинг бири томонидан таклиф этилган ROI даражаси иккинчи томон учун маъқул бўлган шароитда лойиҳа учун келишув амалга оширилади. Дастлабки босқичда хусусий инвесторлар муқобил харажатлари юқори (H) ва муқобил харажатлари паст (L) бўлган инвесторларга тоифаланади. Тендер савдоларининг биринчи босқичида тоифаланган инвесторларнинг кутилаётган даромадлилик таклифлари қабул қилинади. L инвестор учун ROI_{Pl} ва H инвестор учун ROI_{Ph} ($ROI_{Ph} > ROI_{Pl}$) даромадлилик қониқарли ҳисобланади. Агар инвесторларнинг таклифларидан қайси бири давлат шериги учун маъқул бўлса (асосан ROI_{Pl}) инвестор маъқулланади. Тендер савдолари яқунланади ва хусусий шерик танланади. Агар инвесторлар таклифи давлат шериги учун маъқул бўлмаса, давлат шериги ўз таклифини билдиради (L инвестор учун ROI_{Gl} ва H инвестор учун ROI_{Gh} ($ROI_{Gh} > ROI_{Gl}$). Мана шу босқичда инвесторлар учун минимал даромадлилик даражаси муҳим ҳисобланади. Чунки, L инвестор учун ROI_{Pl} минимал даромадлилик даражаси ROI_l дан катта ($ROI_{Pl} > ROI_l$) бўлса, унда дастлабки инвестиция харажатлари (CI_p) ўзини оқлайди ва инвестор даромадлилиги $CI_p \times (ROI_{PL} - ROI_l)$ кўринишга эга бўлади. H инвестор учун эса ROI_{Ph} минимал даромадлилик даражаси ROI_h дан катта ($ROI_{Pl} > ROI_h$) бўлса, унда дастлабки инвестиция харажатлари (CI_p) ўзини оқлайди ва инвестор даромадлилиги $CI_p \times (ROI_{Ph} - ROI_l)$ кўринишга эга бўлади. Агар давлат шериги инвесторлар таклифини рад этиб, ўз таклифини билдирса, унда лойиҳанинг даромадлилиги L инвестор учун $CI_p \times (ROI_{GL} - ROI_l)$ ва H инвестор учун $CI_p \times (ROI_{Gh} - ROI_l)$ ижобий бўлган ҳолатда лойиҳа учун томонлар келишувга эга бўлишади акс ҳолда давлат-хусусий шериклиги амалга оширилмайди. Давлат шериги ижтимоий ҳимояни унутмаслик мақсадида хусусий инвестор учун ROI_{max} даромадлиликнинг максимал чегарасини белгилаб бериши мумкин бўлади. Агар хусусий инвестор таклиф этаётган даромадлилик максимал даромадлилик даражасидан юқори бўлса лойиҳалар амалга оширилмайди. Шу боисдан ҳам L инвестор учун таклиф этиши мумкин бўлган даромадлилик даражаси $[ROI_l, ROI_{max}]$, H инвестор учун эса $[ROI_h, ROI_{max}]$ интервалда бўлади[7].

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлик қийматининг юқори бўлиши кўп ҳолларда рискларнинг тўғри тақсимланишига, капитал

баҳосини минималаштирилишига, оптимал капитал таркиби танланишига ва кутилаётган минимал даромадлиликни таъминланишига боғлиқ бўлади[8].

Илмий тадқиқотларимизда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларини таҳлили қиламиз. Бундай таҳлиллар учун давлат шериги сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва хусусий шерик сифатида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар олинган, ушбу давлат-хусусий шериклик лойиҳалари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат-хусусий шериклик шартномаси асосида амалга оширилмоқда. Илмий тадқиқотларимизда ушбу давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини асосий кўрсаткичларини ўрганиб, молиявий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш вазирлиги иштирокида амалга оширилаётган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари таҳлили¹

Код ²	Хусусий шерик	Давлат-хусусий шериклик шакли	Лойиҳа муддати	Лойиҳа молиялаштириш манбаси	SPV асосида	Лойиҳа даромад манбаси
L1	«LABCENTER» МЧЖ	Лойиҳалаш, куриш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш	20 йил	Хусусий шерик маблағлари, банк кредитлари	Йўқ	Фойдаланганлик учун тўлов, эркин фойдаланилиши учун тўлов
L2	«GOLD SUPER GRAND» МЧЖ	Лойиҳалаш, куриш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш	15 йил	Хусусий шерик маблағлари, банк кредитлари	Ҳа	Фойдаланганлик учун тўлов
L3	«GOLD MEDICAL CLINIC» МЧЖ	Молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш	15 йил	Хусусий шерик маблағлари, банк кредитлари	Ҳа	Фойдаланганлик учун тўлов
L4	«IPSUM PATHOLOGY» МЧЖ	Молиялаштириш, эксплуатация ва хизмат кўрсатиш	10 йил	Хусусий шерик маблағлари, банк кредитлари	Йўқ	Фойдаланганлик учун тўлов, эркин фойдаланилиши учун тўлов
L5	«GRAND CROSS MEDICAL» МЧЖ	Куриш, молиялаштириш, эксплуатация	10 йил	Хусусий шерик маблағлари, банк кредитлари	Йўқ	Фойдаланганлик учун тўлов, эркин фойдаланилиши учун тўлов

¹ <https://pppd.uz/projects-custom> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

² Кейинги ўринларда ушбу кодлар орқали тегишли давлат-хусусий шериклик лойиҳалари назарда тутилди.

L6	«STOMA SERVIS EZOZA» МЧЖ	Лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш	20 йил	Хусусий шерик маблағлари, банк кредитлари	Ҳа	Фойдаланган лик учун тўлов
----	-----------------------------	---	-----------	---	----	----------------------------------

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳалар асосан лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш шаклида амалга оширилаётганлигини гувоҳи бўламиз. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари 10 йилдан 20 йилгача амалга оширилиши белгиланган. Ушбу лойиҳаларининг асосий даромад манбаси сифатида фойдаланганлик учун тўлов, эркин фойдаланилиши учун тўлов ва бошқа даромад шакллари белгиланган.

Фойдаланганлик учун тўлов - товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчилардан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш доирасида хусусий шерик томонидан йиғиб олинган тўловлар[9].

Давлат-хусусий шериклик объектидан эркин фойдаланилиши учун тўлов - давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик объектидан фойдаланиш (уни эксплуатация қилиш) ва (ёки) ушбу объектга хизмат кўрсатиш даврида ундан эркин фойдаланилишини таъминлаганлик учун хусусий шерикка давлат шериги томонидан амалга ошириладиган тўловлардир.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда фойдаланганлик учун тўловлар, эркин фойдаланилиш учун тўловлар ва бошқа тўловлар назарда тутилиши мумкин.

Эркин фойдаланилиш учун тўловларга ажратилган бюджет маблағлари, бошқа тўловлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг бутун амал қилиши давомида тегишли бюджетнинг харажатлар қисмида ҳар йили назарда тутилади.

Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат шеригига тўловларни қуйидагича амалга ошириши мумкин:

- даврий асосда тўланадиган, қатъий сумма тарзида;
- бир йўла тўлов тарзида;
- хусусий шерикнинг фаолиятдан келадиган ўзига тегишли бўлган ҳар қандай даромаднинг муайян қисми тарзида.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда тўловларнинг ҳар хил турлари биргаликда назарда тутилиши мумкин.

Дунё амалиётида мавжуд хусусий инвесторни давлат-хусусий шериклик лойиҳасига жалб этишда минимал даромадлиликни кафолатлашининг бир кўриниши сифатида бюджетдан хусусий шерик учун тўланиши режалаштирилган тўловларни киритиш мумкин.

Давлат-хусусий лойиҳаларини амалиётга жорий этишда, энг аввало, мукамал лойиҳалаштириш босқичидан ўтиши ҳамда, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан моделлаштирилган ҳолатда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга

оширилаётган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширилишини, уларнинг молиявий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, келгусида истиқболларни белгилаш муҳим ҳисобланади.

2-жадвал

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг асосий молиявий кўрсаткичлари, млн. сўмда³

№	Кўрсаткичлар	L1	L2	L3	L4	L5	L6
1	Жами инвестицион харажатлар	8791,3	9300	5091,8	3485,3	52368,2	2500,0
	<i>шундан:</i>						
1.1	Асосий капиталга харажатлар	7791,3	8800,0	1303,6	2882,7	46871,7	1500,0
1.2	Лойиҳани фойдаланишга топшириш харажатлар	1000,0	500,0	3788,2	602,6	5496,5	1000,0
2	Лойиҳадан кутилаётган даромад:	6441,7	3853,0	2450,0	2463,0	19807,0	1266,0
	<i>шундан:</i>						
2.1	Фойдаланганлик учун тўлов	5757,8	3853,0	2450,0	1974,0	6602,0	1266,0
2.2	Эркин фойдаланилиши учун тўлов	683,9	0,0	0,0	489,0	13205,0	0,0

Таҳлил қилинаётган соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида айнан L1, L4 ва L5 лойиҳаларда эркин фойдаланилиш учун тўловларга ажратиладиган бюджет маблағлари билан кутилаётган даромаднинг бир қисмини таъминлаш орқали хусусий инвесторнинг молиявий рисклари маълум даражада камайишига эришилган. Шунингдек, ушбу лойиҳаларнинг молиялаштириш манбаси сифатида бевосита хусусий инвестор маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига молиялаштириш белгиланган. L2, L3 ва L6 давлат-хусусий шериклик лойиҳалари махсус лойиҳа компанияси(SPV)ни тузиш орқали амалга оширилиши белгиланган. L1, L4 ва L5 давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида эса туғридан-туғри хусусий инвесторлар билан ҳамкорлик амалга оширилиши белгиланган (2-жадвал).

L1 давлат-хусусий шериклик лойиҳаси республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиалида лаборатория хизматлари ташкил этиш борасида давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун

³ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди (minzdrav.uz/openData/csv/concept-LABCENTER.pdf).


давлат шериги сифатида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ва хусусий шерик томонидан «LABCENTER» МЧЖ билан биргаликда амалга оширилиши режалаштирилган. Лойиҳа давлат-хусусий шериклик шакллариинг “Лойиҳалаш, қуриш, молиялаштириш, фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш” шаклида амалга оширилиши режалаштирилган. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида энг муҳим жараёнлардан бири лойиҳанинг самарадорлик таҳлили ҳисобланади. Лойиҳанинг самарадорлик таҳлили бир неча босқичларда амалга оширилади. Дастлаб, давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг сифатини тўпланган маълумотлар асосида баҳолаш, бунда ахборотлар йиғиш ва тахрирлаш жараёни амалга оширилади. Лойиҳада йилига 320 минг диагностик таҳлилларни ўтказиш режалаштирилган ва ушбу лойиҳа орқали 5757.8 млн. сўм тушиши режалаштирилган. Шундан йилига 175692 та таҳлил-текшируви давлат бюртмаси асосида имтиёзли нархларда ўтказилиши белгиланган. Хусусий шерик учун лойиҳа прогнозларига кўра йилига ўртача 6441,7 млн. сўм миқдорида пул тушумлари режалаштирилган. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасида келишувни амалга оширилишининг асосий шarti сифатида $ROI > IRR > WACC$ амал қилган шароитда келишув амалга оширилиши инвестор учун лойиҳа самарадорлиги таъминланиши билан асосланади. Кейинги босқичда, лойиҳа харажатлари ҳисобга олинади. харажатлар таҳлили амалга оширилиши жараёнида лойиҳанинг дастлабки инвестиция миқдори 8791.3 млн. сўмда ва лойиҳа амалга ошириш давридаги корхона рентабеллиги даражаси 25 % миқдорида белгиланган кўринишида акс эттирилиб борилади.

L2 давлат-хусусий шериклик лойиҳаси асосида аҳолига сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш режалаштирилган. Лойиҳанинг асосий мақсади – замонавий тиббий асбоб ускуналар харид қилиш орқали аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини ошириш, бунинг натижасида беморларни ўртача умр кўриш давомийлигини узайтиришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу лойиҳа Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани Қўшкўприк маҳалласида жойлашган туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бинода кўп тармоқли тиббиёт марказини ташкил этиш назарда тутилган. Ушбу лойиҳа учун хусусий инвестор маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан 9300,0 млн. сўм инвестицион харажатлар режалаштирилган.

L3 давлат-хусусий шериклик лойиҳаси асосида Самарқанд вилояти Оқдарё туманида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бинода тиббий клиника ташкил этиш режалаштирилган. Ушбу лойиҳа учун хусусий инвестор маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан 5091.8 млн. сўмлик инвестицион харажатлар режалаштирилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида L4, L5, L6 лойиҳалари учун мос равишда 3485.3, 52368.2 ва 2500 млн. сўм миқдорида хусусий инвестор маблағлари ва банк кредитлари орқали инвестицион харажатларни молиялаштириш режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларни даромад манбаларининг прогноз кўрсаткичлари келтирилган.

Келтирилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини таҳлил қилиш жараёнида хусусий инвесторларнинг кутилаётган инвестицион қайтим даражасини ҳисоблаб чиқишга муваффақ бўлдик, натижада лойиҳаларда хусусий инвесторларнинг инвестицион қайтим даражаси ва инвестицион харажатларини келтириб ўтдик (1-расм). Инвесторнинг кутилаётган инвестицион қайтим даражаси (ROI) давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Таҳлил қилинаётган лойиҳаларга эътибор қаратадиган бўлсак L1 давлат-хусусий шериклик лойиҳасида ROI кўрсаткичи нисбатан пастроқ (24.6 фоиз), қолган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида эса ROI кўрсаткичи ўртача 45-50% атрофида эканлигини келтиришимиз мумкин. ROI кўрсаткичини давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида соф жорий қийматнинг юқори бўлишига сабаб бўлади. Чунки хусусий инвестор ўзи учун соф жорий қийматни аниқлашда ушбу кўрсаткични инобатга олиши лозим ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси инвестицион харажатлари ва хусусий инвесторнинг инвестицион қайтим даражаси⁴

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилишда лойиҳанинг самарадорлиги таҳлилинини дисконтланган таҳлил усуллари – соф жорий қиймат (NPV), ички даромадлилик меъёри (IRR), лойиҳанинг ўзини ўзи қоплаш даврлари (PP, DPP) орқали таҳлил қилганимизда қуйидаги натижаларга эга бўламиз (3-жадвал). Лойиҳадан кутилаётган инвестицион қайтим даражаси (ROI) йиллик таҳлилда келтирилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида хусусий инвесторлар учун турлича кўрсаткичларда акс этган. Лойиҳанинг соф жорий

⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

қиймати 0 дан катта бўлган кўрсаткичда лойиҳа ижобий баҳоланади ва лойиҳани амалга ошириш мумкин бўлади.

Лойиҳани соф жорий қиймат усулида таҳлили этилганда, соф жорий қиймат (NPV)ни аниқлаш натижасидаги умумий хулоса шуки, $NPV > 0$ ҳолатда лойиҳа амалга ошириш учун қабул қилинади ва лойиҳа молиявий жиҳатдан самарали дея этироф этилади. Агар ҳисоб-китоб қилинганда пул оқимларининг соф жорий қиймати ижобий ($NPV > 0$) бўлса, бу лойиҳани амалга ошириш вақти давомида дастлабки харажатлар қоплангани ва даромадлилик меъёри талабига мос фойда олиниши таъминланганини англатади. Бошқача айтганда, NPV лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш натижасида эришилган, янгитдан яратилган қўшимча қиймат ҳисобланади. Салбий миқдордаги NPV берилган даромадлилик меъёри лойиҳанинг зарар келтиришини ва ҳеч қандай қўшимча қиймат яратилмаслигини англатади. Лойиҳа хусусий инвестор учун даромад келтирмайди ва инвестор лойиҳани молиялаштиришдан бош тортади. $NPV = 0$ да эса лойиҳа ҳеч қандай даромад ҳам, зарар ҳам келтирмаслигини англатади[10]. Бундай ҳолларда лойиҳанинг қўшимча параметрлари ҳисобга олиниши лозим бўлади.

3-жавал

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини самарадорлик кўрсаткичлари⁵

№	Кўрсаткичлар	L1	L2	L3	L4	L5	L6
1	NPV, млн. сўмда	625,6	1978,5	1058,1	1594,2	14985,1	592,9
2	IRR, фоизда	17,3%	19,4%	20,0%	26,9%	14,0%	14,4%
3	PP, лойиҳанинг қопланиш муддати	6 йил	5 йил	4 йил	3 йил	6 йил	5 йил
4	DPP, лойиҳанинг дисконтланган қопланиш муддати	15 йил	9 йил	9 йил	5 йил	8 йил	7 йил
5	WACC, капиталнинг ўртача тортилган баҳоси, фоизда	16%	16,5%	17,8%	20,8%	6,0%	12,2%

Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш пул оқимлари прогнозидан фойдаланилган ҳолда ҳисобланадиган соф жорий қиймат, инвестиция рентабеллиги (Profitability investment – PI), даромадлиликнинг ички меъёри, инвестицияларни қоплаш муддати (Payback period – PP), йиллик фоиз ставкаси (Annualized Percentage rate – APR) кўрсаткичлари асосида амалга оширилади[11]. Узоқ муддатли капитал қўйилмалари тўғрисида қарор қабул қилишда капитал тўла қопланиши ва олинган фойда миқдори ва юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларни қоплай олиши жиҳатларига эътибор қаратиш лозим бўлади [12].

Давлат-хусусий шериклигининг молиявий муносабатларини такомиллаштириш, инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришга жалб

⁵ minzdrav.uz/openData/csv/concept-LABCENTER.pdf - маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

қилинаётган инвестициялар ҳажмини оширишда инфратузилма облигацияларини муомалага киритиш, инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришда бундай молиявий инструментдан фойдаланиш, институционал инвесторларни ДХШ лойиҳаларини молиялаштиришга кенгроқ жалб этишда инфратузилма облигацияларидан фойдаланиш, инфратузилма облигациялари орқали жалб этилган хусусий инвестор учун етарли даражада давлат кафолатларини бериш кабиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар

Давлат-хусусий шериклик муносабатларининг ташкил этилиши ҳар қандай молиявий ресурслар чекланган шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қулай муҳит яратилишига хизмат қилади;

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини бошқаришда соф жорий қийматнинг таъсир оралиқларини маълум доирада ҳисобга олган ҳолда белгиланиши хусусий инвесторлар учун кутилаётган ва юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий рисклар ва йўқотишларга тайёр бўлишига, ушбу омилларнинг таъсири инобатга олинган ҳолда лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари (NPV, IRR, WACC)ни баҳолаш ҳамда молиявий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади;

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига капитал жалб қилинишини инфратузилма облигациялари орқали диверсификациялаш хусусий инвесторлар учун лойиҳаларни молиялаштиришдан қўшимча манфаатларга эга бўлиши ва лойиҳалар бўйича капитал баҳосининг минималлашишини таъминлашга замин яратади;

Давлат-хусусий шерикликдаги лойиҳаларни қарз инструментлари орқали молиялаштириш молиявий левереж самарадорлигига эга бўлиш ва лойиҳаларнинг ROE, ROI, NPV, IRR, WACC, DPP каби молиявий кўрсаткичларининг барқарорлашишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Private Participation in Infrastructure (PPI), The World Bank annual report, 2019. <https://ppi.worldbank.org/content/dam/PPI/documents/private-participation-infrastructure-annual-2019-report.pdf>
2. Regan, M. (2009). Research on alternative financing mechanisms for public-private partnerships. Research Report, Mirvac School of Sustainable Development, Faculty of Business, Technology and Sustainable Development, Bond University.
3. Cheung, E., Chan, AP, & Kajewski, S. (2009). Reasons for implementing public-private partnership projects: Prospects for Hong Kong, Australian and British practitioners. Journal of Property Investment & Finance, 81-95.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasidan, 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
5. Tang L. Y., Shen Q., Cheng E. W. L. A review of studies on public–private partnership projects in the construction industry //International journal of project management. – 2010. – T. 28. – №. 7. – S. 683-694.
6. Kazansev A.K. i Mindeli L.E., red. Osnovi innovatsionnogo menedjmenta. Teoriya i praktika. Moskva: Ekonomika, 2010.
7. H. Jin, S. Liu and J. Sun et al., Determining concession periods and minimum revenue guarantees in public- private-partnership agreements, European Journal of Operational Research, <https://doi.org/10.1016/j.ejor.2019.12.013>, (<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0377221719310148>)
8. Meidutė I., Paliulis N. K. Feasibility study of public-private partnership //International Journal of Strategic Property Management. – 2011. – T. 15. – №. 3. – S. 257-274.
9. “Davlat-xususiy sheriklik to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining Qonuni, 10.05.2019 yildagi O‘RQ-537-son
10. Toshmurodova, B., S. Elmirzayev, and N. Tursunova. "Moliyaviy menejment. Darslik." T.:“Iqtisod-moliya 325 (2017).
11. S.E. Elmirzaev, Korporativ moliya, darslik, T.: “Iqtisod-moliya”, 2019. 230-bet
12. Bayliss K., Van Waeyenberge E. Unpacking the public private partnership revival //The Journal of Development Studies. – 2018. – T. 54. – №. 4. – S. 577-593.